

Хожи ота шериклари билан нахор ошидан чикиб, келган жойларининг бундок режасини олса, кампири даволанаётган касалхона жуда якин экан. Кампири тушмагур коргани бораман деса, нукул унамайди. «Уялармиш. Тавба, у узатилмаган киз-у, мен уйланмаган йигитмидим, одамлардан уялиб. Гапини каранглар».

Отанинг шохлиги тутди. Мошинадан тушиб колди. Тушди-ю, касалхонанинг хайбатини кориб, хато килганини бидди. Кампирини каэрдан топади? На болимини ва на ётган хонасини билса. Оббо... Хали дарвозаси хам очилмапти.

Куёш энди тиг уриб келарди. Хаёлида касалхона гарк уйкуда ётгандек коринди. Э, сораб-сораб Маккани топишганида, битта кампиримни тополмайманми? Аллох ози меҳрибон...

Гайрати козиди отанинг. Бундок караса, дарвоза ёнидаги кичкина эшик очик экан. Дайди итлар кириб кетганидан билди. Хожи ота хам оша эшикдан кириб борди. Коровул донг котиб ухлаб ётарди. Уйготишга кози киймади. Бир одам колида кетмон билан гул суториб юрарди. Ота оша ёкка караб юрди. Халиги одам ердан тош олиб, итларни тиркиратди. Кози отага тушиб колди-да:

— У, бобой, — деди бакириб, — уйингизда эшик борми, киргандан кейин ёпади-да.

Тавба, ота касалларни уйготиб юбормай деб хассасини ерга юмшок босиб келяпти-ю, бунинг шангиллашини каранг. На салом бор, на алик.

— Узр, оглим, мен итлардан кейин кирдим, бу эшик шундок очик тураркан деб ойладим.

— Ётибдими анови шишиб... Коровулмиш, хе, оргилдим...

— Маъзур тутасиз, оглим, катталар болими шу ёкдами?

— Ха, боровринг.

— Аёллар болими кайси томонда?

— Аёл-эркаги ёк, бари аралаш-куралаш.

Хожи ота коп каватли бинонинг мармар зинали эшигига борганида ичкаридан бир хотин челак котариб чикиб колди.

— Ассалому алайкум, кизим, — деди дили ёришиб, — Мен кампиримни кидириб...

Отанинг гапи огзида колди.

— Кировринг, айтишади, — деди аёл бепарвогина. Тавба, одамларга бир нарса болганми ози, на салом беришади, на саломга алик олишади-я. Айб озида, сахармардондан келиб нимаиди, бировнинг дарди эрта кирса, кеч чикмас.

Шу пайт зинада оёк товуши эшитилди. Хожи ота шу тарафга огирилди, бир, икки кадам юрди хам. Бир ёш киз тепадан югуриб тушди-да, отанинг ёнидан «лип» этиб отди-кетди.

Ота огзини очганча колаверди. Нимадир тепага чикди. Ота таваккал деб тепага котарилди. Онг тарафдаги эшик очик экан. Босагадаги латтага олдин поябзалини, кейин хассасини артиб, гилам пояндозни бир-бир босиб, торга караб юраверди. Шу пайт ортарокда ок халатлик аёл коринди. У отанинг якин келишини чидам билан кутиб турди.

— Ассалому алайкум, — деди ота шипшигандек килиб, — мен кампиримни кидириб келувдим, — деб исми ва фамилиясини айтди.

— Унака хотин бизда ёк, бошка болимдан кидиринг, — деди аёл совуккина килиб. Шу пайт отанинг кози гулдонга гул кояётган бир эркакка тушди. У отага елкаси оша караб турарди. Сонгра у илдам юриб келди-да, хожи ота билан кутилмаганда кадрдонлардек сорашди.

— Козимга иссик кориняпсиз, мабодо Чинозданмасмисиз?

Ота кулиб, «ёк» дегандек бош чайкади. Лекин йигитнинг самимий илтифотидан, кимгадир охшатганидан хурсанд болиб кетди.

— Мабодо Хизрмасмисиз? — дея яна мурожаат килди йигит, кейин зина томон бошлади. Кучогида бир даста гул.

Ота йигитга кизиксиниб, бошдан-оёк синчиклаб каради. «Хойнахой шу ернинг богбони болса керак. Анови шериги гулларни сугоряпти. Буниси касалларнинг бахри дили очилсин деб гулдонларга гул койиб чикяпти. Тавба, унисининг муомаласи кандог-у, бунисиники кандок?»

— Хизрмасмисиз деганимга хайрон болманг, — деди йигит табассум билан, — мен хар куни уйкудан олдин тушимга Пайгамбаримиз (алайхиссалом) кирсинлар, деб, Худойимга ёлбораман, кейин эрта билан яна ёлбораман, бугун Хизр билан кориштиргин, деб. Хизр бува хам одамнинг козига эски кадрдонидек иссик коринар экан-да. Чинозданмисиз деб сораганим, озим чинозликман.

Чол овозини баландлатмай кулди.

— Сиз хам менга бир зумда оглимдек боп колдингиз, шу икковимиздан биримиз Хизрмиз-ов?

— Сиз шу ерда отириб туринг, мен манови гулларни гулдонларга койиш бахонасида, опокимнинг катталикларини билиб келаман, — деди йигит.

Хожи ота енгил солиш олиб, ориндикка отирди. Бир беминнат дастёрни ропара килиб койган Аллохга шукрона айтди. Коп отмай йигит кайтиб келди.

— Каранг, — деди оша самимият билан, — опоким биззи болимда эканлар. Навбатчи хотиндан сораб билдим. Юринг...

Йигит отани эшиги очик турган бир хонага бошлади.

— Кани, отам, отиринг, менга бир дуо беринг, бугун тушдан кейин кетаман, леченяларим тугади, — деди у отани юкорига отказиб.

— Иэ-э, сиз бу ерда ишламайсизми? Мен сизни...

— Ёк, мен гул ишкибозиман, — дея устоли устидаги китобга охшаган нарсани олиб, отага намойиш кила бошлади йигит. — Каранг манови гулларни, бари ховлимда осади. Булар менинг огил-кизларим. Булар хам гул-да, а ота, — дея кикирлаб кулди йигит. — Бола гул деганлар-ку. Мен афгон урушида болганман. Тирик борсам, факат гулчилик киламан, деб ният килган эдим. Ахир бизда гул яхши кунларга олиб борилади-да, нима дедингиз, ота? У ёкларда гул кормадим, бечоралар уришовриб гул экишни хам эсларидан чикариб юборган коринишади.

Ота альбомдаги гулларни кориб, йигитнинг болалардек бегуборлигидан завкланди, таъсирланди. Кейин уни дуо килди.

Йигит корсатган бошка бир хонадан кампирини топди. Кампири хонада ёлгиз экан.

Бахаво айвончага чикиб, сухбатлашиб отиришди. Бир махал пастдан гул ишкибозининг овози янгради:

— Ассалому алайкум, отахон, ассалому алайкум, опоки, калай мазза кияпсизларми?

Ота, «ха» дегандек йигитга кол силтаб жилмайди.

— Хах, олсин, томи кетган, — деб кампири юзини тескари бурди. — Эртадан кечгача салом беровриб, мулозамат килловриб касалларнинг жонига тегиб кетади. Одам деган сал огир болса-да...

Ота ичида «канийди хамманиям шунака томи кеца» деди-ю, кампирини топгунича болган саргузаштларини айтиб отирмади.

